

УНИВЕРСИТЕТДА СТРАТЕГИК МЕНЕЖМЕНТ ВА ЛОЙИХАВИЙ ЁНДАШУВНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Оттежанов Женисбай Жиенбаевич
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
Лойиха бошқаруви йўналиши талабаси

Аннотация

Ушбу мақола таълим муассасаларида стратегик инноватсион бошқарув тизимлари, лойиҳавий бошқарувни такомиллаштириш кўрсатмалари баён этилган.

Калит сўзлар: лойиҳалаш, бошқарув стратегиялари, корпоратив, риск, географик масофа

Лойиҳавий бошқарув - қўйилган мақсадга эришиш хусусан ҳаракатларнинг комплекс тизимли моделини дастлабки коллегиял ишлаб чиқишга асосланган ва ушбу моделни амалга оширишга қаратилган бошқарув фаолиятининг махсус туридир. Замоनावий лойиҳавий бошқарув - фақатгина лойиҳа хусусиятларига эга бўлган объектларни эмас, балки ҳар қандай объектларни бошқаришда у ёки бу тарзда қўлланилиши мумкин бўлган бошқарувнинг ўзига хос кўринишидир. Буни замоनावий менежментнинг турли соҳаларида шундай амалий фойдаланиш натижалари тасдиқлайди¹.

Лойиҳаларни бошқаришнинг замоनावий концепцияси ташкилотлар фаолиятини яратиш, ривожлантириш, ўзгартириш ғояларига асосланган. Ташкилотлар фаолиятини стратегик мақсадларга эришишни таъминлайдиган турли хил лойиҳалар тўплами сифатида ифодалаш мумкин. Бундай ташкилотлар ўзларининг функционал фаолиятини ташкил этишлари билан вертикал равишда бирлашган корхоналарга нисбатан рақобатбардош бўлиб бормоқда. Ушбу концепцияга кўра корхоналарни бошқариш тизимидаги асосий тузилмалардан бири, яъни корпоратив стратегия ва сиёсатни ҳисобга олган ҳолда, лойиҳаларни муҳим ресурслар билан таъминлаш учун масъул бўлимларнинг ишларини мувофиқлаштирадиган лойиҳаларни бошқариш идораси (лойиҳа офиси) деб ҳам юритилади.

Лойиҳавий бошқарув идораси лойиҳаларни танлашда иштирок этади, лойиҳа портфелида устуворликларни белгилайди².

Лойиҳа офисининг асосий вазифаси лойиҳалашдир. Лойиҳалаш - бу

¹ Чурилов А. А. Понятие, роль и актуальность проектного управления в России // Молодой ученый. — 2013. — №3. — С. 299-301.

² Функнер А.Е. Проектный подход к управлению на промышленном предприятии // Научные исследования и разработки молодых ученых / 2015 г. - №5 - с. 303-305.

конструктив, ижодий фаолият бўлиб, унинг моҳияти инсоннинг шахсиятини, ўз ҳаётини ҳолатини ва атрофдаги дунёни ўзгартириш учун ҳатти-ҳаракатларининг аксидир. Лойиҳалаш инновацион, ижодий фаолият туркумига киради, чунки у атрофни маълум бир ўзгаришини ўз ичига олади, бирлаштирилиши, ўзлаштирилиши ва такомиллаштирилиши мумкин бўлган тегишли технология асосида курилади.

Лойиҳа - бу белгиланган вақт ичида ва тасдиқланган бюджет доирасида аниқ ноё натижаларни олиш учун амалга оширилган саъй-ҳаракатлар мажмуи бўлиб, лойиҳа давомида фойдаланилган ёки истеъмол қилинган ресурслар учун маълум бир молиявий маблағлар ажратилади³.

Бир гуруҳ муаллифлар фикрига кўра⁴, лойиҳа - бу ноёб маҳсулотлар, хизматлар ёки натижаларни яратиш учун мўлжалланган вақтинчалик корхонадир. Лойиҳа бутун картинани кўриш, тушуниш, бюджет ёки ресурслар бўйича чекловлар мавжуд бўлган жойларда зарурий тадбирларни кўриш учун корхона фаолиятининг барча турларини ягона ахборот маконига тўплаш имконини беради.

Лойиҳа ҳеч қачон бир хил бўлмай, ҳар доим янги муаммоларни ҳал қилишни ва бутунлай янги технологиялар пайдо бўлишини талаб қиладиган баъзи бир ноёб элементларни ҳам ўз ичига олади.

Бироқ амалга ошириш учун маълум бўлган усул ва услублардан фойдаланиладиган асосий лойиҳалар ҳам у ёки бу даражада ўзига хос хусусиятга эга бўлади⁵.

Лойиҳавий бошқарув атамаси технологик характерга эга бўлган субъектларнинг нисбатан кичик доирасини англатади. Бироқ, бу талқин муаммони сезиларли даражада торайтиради ва муҳим амалий масалаларни ҳал қилишга имкон бермайди⁶.

Лойиҳалар бугунги кунда мавжуд бўлган объектнинг хусусиятларини керакли томонга ўзгартириш учун мўлжалланган. Тизимнинг бошланғич ва якуний ҳолатлари ўртасидаги фарқлар лойиҳанинг мақсадини тавсифлайди ва тегишли хусусиятлар - вақт, ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сифати, янги технологияларни жорий этиш ва бошқалар билан баҳоланади.

Лойиҳани бошқариш - бу ўзгаришларни бошқаришдир. Дунёдаги мақсадли ўзгаришлар энг яхши лойиҳалар асосида бошқарилади.

³ Арчибальд Р. Управление высокотехнологичными программами и проектами / пер. с англ. Е. В. Мамонтова / под ред. А.Д. Баженова, А.О. Арефьева. - М.: Компания АйТи; ДМК Пресс, 2004. - 472 с.

⁴ Управление инфраструктурными проектами: учебное пособие для высшего профессионального образования / С.А. Измалкова, Т.А. Головина, И.Л. Фаустова, И.А. Тронина, С.С. Елецкая. - Орел, 2012. - 171 с.

⁵ Клиффорд Ф. Грей, Эрик У. Ларсон. Управление проектами: Прак. рук. / пер. с англ. - М.: Издательство «Дело и Сервис», 2003. - 528 с.

⁶ Бирюков В., Дрожжинов В., Проектный подход в современном бизнесе // Стандарты и качество / 2010 г. - №7.

Ҳар қандай ташкилотда лойиҳаларни бошқариш усулларида ва айниқса, инвестицион лойиҳалардан фойдаланиш мақсадларни оқилона аниқлашга ва ташкилот стратегиясини мақбул режалаштиришга имкон беради. Шунингдек, лойиҳадаги рискларни тўлиқ ҳисобга олиш, мавжуд ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш ва зиддиятли вазиятлани олдини олиш, режанинг бажарилишини назорат қилиш, ҳақиқий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва иш жараёнига ўз вақтида тузатиш киритиш, таҳлил қилиш ва келажакда муваффақиятли амалга оширилган лойиҳалар тажрибасидан фойдаланиш мумкин⁷.

Кучли рақобат шароитлари, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг доимий ўзгариши, янги технологияларнинг жадал ривожланиши ташкилотларни бизнес лойиҳаларини бошқариш ва амалга оширишнинг янги усуллари кўллашга мажбур қилмоқда. Стратегик мақсадларга эришишда лойиҳавий бошқарувдан фойдаланиш ташкилотнинг ягона ва мураккаб лойиҳалари самарадорлигини оширишга сезиларли ёрдам беради.

Лойиҳани бошқариш - бу иш юкмаси, ресурслар, вақт, сифат ва рисклар ўртасидаги мувозанатни сақлаб, аниқ мақсадларни белгилайдиган ва уларга эришадиган ечимни топишга йўналтирилган фаолият десак ҳам муболаға бўлмайди. Ушбу ечим бизга асосий рискларни бартараф этишга ва лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга ҳамда сармояни тўлашга имкон беради.

Лойиҳавий бошқарувдан фойдаланишнинг асосий афзалликлари⁸:

- компания лойиҳалари самарадорлигини ошириш ва барча турдаги ресурслардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланиш;
- иш вақти ва меҳнат сарфини камайтириш;
- ишнинг сифатини таъминлаш;
- ишларни доимий назорат қилиш ва унинг натижасида тезкор таҳлил ва баҳолаш;
- ишнинг мослашувчанлиги ва унумдорлигини ошириш;
- вақт оралиғини назорат қилиш, бюджетни мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш;
- лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг мумкин бўлган сценарийларини башорат қилиш;
- лойиҳа хатарларини ҳисобга олиш ва бошқариш;
- ахборотни марказлаштирилган сақлаш, қайта ишлаш ва керакли

⁷ Бакланова Ю.О. Оценка эффективности управление региональными инновациями // Управление экономическими системами: электронный научный журнал, 2010. - № 2 (22).

⁸ Новоторов В.Ю. Оценка эффективности проектного управления // Современные технологии управления, 2011. - № 3.

тафсилотлар билан маълумотларни тезда олиш қобилияти.

Лойиҳавий бизнеснинг хусусиятлари⁹:

- аксарият лойиҳалар мавзусининг интеллектуал интенсивлиги;
 - моддий бойликлар билан боғлиқ иқтисодий фаолиятнинг лойиҳаларда камроқ улуши;
 - лойиҳалар муваффақиятининг ташқи шароитга, биринчи навбатда мижданинг хатти-ҳаракатига кучли боғлиқлиги;
 - рискларнинг кўпайиши, шу жумладан, муддатлар ва бюджетнинг бузилиши, лойиҳанинг тўхтатилиши ёки музлатилиши, муваффақиятсизликка учраш хавфи;
 - конструктив хусусиятга ега бўлган сифат талабларининг ортиши;
 - "миждо учун" юқори даражадаги индивидуаллик даражаси ва у билан "яқиндан" ишлашни ташкил этишнинг аҳамияти;
 - янги, илгари бажарилмаган ишларнинг пайдо бўлиш еҳтимоли юқори, бунинг учун янги методология, технология ва бошқарув тизими шакллантирилади;
 - менежерлар ва ижрочилар малакасига юқори талаблар, уларнинг юқори баҳоси;
 - алоқа ва билимлар базасини қўллаб-қувватлайдиган корпоратив офис тизимининг муҳим аҳамияти;
 - бюджетни режалаштириш, назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусияти;
 - кадрлар бошқарувини мураккаблаштирадиган буюртмаларни қабул қилишдаги ноаниқликлар;
 - миждонинг географик масофаси;
 - бир нечта ижрочиларнинг мавжудлиги ва уларнинг географик тарқалиши.
- Шуни таъкидлаш керакки, лойиҳа бизнеси учун инсон ресурслари муаммоси (ҳам менежерлар, ҳам мутахассислар) ҳар томонлама муҳим аҳамиятга ега.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Инвэститсия лойиҳасининг прэдмэти, тушунчаси, мақсади ва структураси.
2. "Лойиҳани бошқариш" тушунчаси. Лойиҳани бошқариш, инвэститсияларни бошқариш ва функционал мэнэжмэнтнинг ўзаро боғ'лиқлиги.
3. Лойиҳаларни таснифлаш: катта ва кичик, ички ва ташқи, тэхник ва нотэхник, иқтисодий ва иждимой хусусиятлари.

⁹ Шилов А. Инновационная экономика: наука, государство, бизнес // Вопросы экономики. — 2011. — № 1. — С. 127-137.